

Росулуллоҳнинг кулишлари ҳақида келган боб.

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي ضَحْكٍ رَسُولُ اللَّهِ﴾

صلی الله علیہ وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking –]
الإوزبکي

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ بَابُ مَا جَاءَ فِي ضَحْكِ رَسُولِ اللَّهِ ﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله رب العالمين ولا عدوان إلا على الظالمين والصلوة والسلام على سيدنا محمد سيد المرسلين
وإمام المتقين وعلى آله وصحبه أجمعين

Бу “шамоили муҳаммадия”дан ўн еттинчи дарсимиз бўлиб, бунда битта бобни ўқиб ўрганамиз. Иншааллоҳ.

35- باب ما جاء في ضحك رسول الله (وفيه ٩ أحاديث)

Ўттиз бешинчи боб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кулишлари ҳақида бўлиб, бунда имом Термизий тўққизта ҳадис ривоят қиладилар.

226 - حدثنا احمد بن منيع ثنا عباد بن العوام أنا الحجاج وهو ابن ارطاه عن سماك بن حرب عن جابر بن سمرة رضي الله عنه قال كان في ساقى رسول الله حوشة وكان لا يضحك إلا تبسمًا فكنت إذا نظرت إليه قلت أكحل العينين وليس بأكحل

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг болдиrlари нозикроқ эди, агар кулсалар фақат табассум қиладилар, мен у зотга қараганимда, худди қошларига сурма суртгандек бўлиб туюларди, лекин у зот сурма қўймаган бўлар эдилар.

Изоҳ: Баъзи уламолар киприги қалин киши кулганда кўзи салгина юмилса сурма суртгандек бўлиб туюлиши мумкин дейдилар. Мулла Али қори айтадиларки: “Инсон қиёфаси фани билан шугулланадиган олимлар болдирининг салгина ингичкароқ бўлишида жуда кўп манъфаатларни зикр қилишган”.

227 - حدثنا قتيبة بن سعيد أنا ابن هبيرة عن عبيد الله بن المغيرة عن عبد الله بن الحارث بن جزء رضي الله عنه انه قال ما رأيت أحداً أكثر تبسمًا من رسول الله

Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Жуздан ривоят қилинишича айтадиларки: Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра кўпроқ табассум қиладиган кишини кўрмадим.

228 - حدثنا احمد بن خالد الخلال ثنا يحيى بن إسحاق السيلحي ثنا ليث بن سعد عن يزيد بن أبي حبيب
عن عبد الله بن الحارث رضي الله عنه قال ما كان ضحك رسول الله إلا تبسم

Абдуллоҳ ибн ал-Хорисдан ривоят қилинади айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайхі васаллам фақат табассум қилган ҳолда кулардилар.

Изоҳ: Бу ҳадиснинг мазмуни Пайғамбар алайҳиссаломни қулишларини табассум қилишига чегаралаб қўймоқда, лекин Мулла Али қори айтадилар: “Яъни табассум қилиб қулишларидан мақсад аксар ҳоллардадир. Гоҳо Пайғамбар алайҳиссалом оғиз очиб орқадаги озиқ тишлари кўринадиган дараҷада ҳам қулган эдилар. Келгуси ҳадисларда буни баёни ўтади”.

229 - حدثنا أبو عمار الحسين بن حرثة أبئنا وكيع ثنا الأعمش عن المعاور بن سويد عن أبي ذر رضي الله عنه قال قال رسول الله إني لأعلم أول رجل يدخل الجنة وآخر رجل يخرج من النار يؤتى بالرجل يوم القيمة فيقال عرضوا عليه صغار ذنبه ويكتأب عنه كبارها فيقال له عملت يوم كذا كذا وكذا وهو مقر لا ينكر وهو مشفق من كبارها فيقال أعطوه مكان كل سيئة عملها حسنة فيقول إن لي ذنوبا ما أراها ههنا قال أبو ذر فلقد رأيت رسول الله ضحك حتى بدت نواجذه.

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайхі васаллам айтдиларки: Мен жаннатга биринчи кирадиган ва дўзахдан охир чиқадиган кишини биламан. Қиёмат куни бир кишини келтирилади. Сўнг, унга кичик гуноҳларини кўрсатинглар! -дейилади. Катта гуноҳларини эса беркитилиб қўйилади. Кейин эса унга фалон куни манабундай гуноҳ қилган эдинг! фалон куни эса манабу гуноҳни қилган эдинг!- дейилади. У ҳаммасига икрор бўлиб, биронтасини ҳам инкор этишга имкони бўлмай, унга катта гуноҳларини ҳам эслатишларидан чўчиб туради. Шунда унинг ҳамма ёмон амалларини, яхши амалларга алмашланглар! -дейилади. У эса Мени бошқа гуноҳларим ҳам бор эди-ку! Мен уларни кўрмаяпман-а? -дейди. Абу Зар розияллоҳу анҳу айтадиларки: Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайхі васалламни кулиб, ҳатто озиқ тишлари зоҳир бўлганини ҳам кўрдим.

Изоҳ: Мулла Али қори айтадиларки: “Бутун халойиқлар ичидан жсаннатга биринчи бўлиб кирадиган шахс Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайхі васаллам эканликларида аҳли илмлар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Бироқ бу ҳадисда биринчи кирувчи кишининг зикри келди, лекин бундан мақсад аҳли жсаннатлар жсаннатга кириб бўлганларидан кейин, қалбида заррача бўлса ҳам иймони бўлган, аммо гуноҳларига жазо олишига лойиқ бўлганлиги учун дўзахга тушиб, жазосини ўтаб бўлгач, уни дўзахдан чиқарилиб жсаннатга, қолган шерикларидан аввал киритилган кишиидир”.

Мулла Али қори айтадиларки: Ҳадисда бу шахсни катта гуноҳларимни кўрмаяпман дейиши кичик гуноҳларини яхши амларга алмашлаб берилгани учун, катталарини ҳам яхши амлалларга алмаштирилишини умид қиласди.

230 – حدثنا احمد بن منيع ثنا معاوية بن عمرو ثنا زائدة عن قيس بن أبي حازم عن جرير بن عبد الله رضي الله عنه قال ما حجبي رسول الله منذ أسلمت ولا رأي إلا ضحك

Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мени исломга кирганимдан бери, ҳузурларига киришдан манъ қилмаганлар. Ва қачоники Менга йўлиқсалар, кулган ҳолда бўлардилар.

231 – حدثنا احمد بن منيع ثنا معاوية بن عمرو ثنا زائدة عن إسماعيل بن أبي خالد عن قيس عن جرير قال ما حجبي رسول الله ولا رأي منذ أسلمت إلا تبسم.

Бу ҳадис ҳам аввалги ҳадиснинг айнан ўзи бўлиб, фарқи шундаки: Бу ҳадисда табассум қилардилар. -деб келган.

232 – حدثنا هناد بن السري ثنا أبو معاوية عن الأعمش عن إبراهيم عن عبيدة السلماني عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه قال قال رسول الله إين لأعرف آخر أهل النار خروجاً رجل يخرج منها زحفاً فيقال له انطلق فادخل الجنة قال فيذهب ليدخل الجنة فيجد الناس قد اخذوا المنازل فيرجع فيقول يا رب قد أخذ الناس المنازل فيقال له أتذكر الزمان الذي كنت فيه فيقول نعم قال فيقال له ثم قال فيتمنى فيقال له فإن لك الذي تمنيت وعشرة أضعاف الدنيا قال فيقول أتسخر مني وأنت الملك قال فلقد رأيت رسول الله ضحك حتى بدت نواجهه

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Мен дўзахдан охир чиқадиган кишини биламан. У дўзахдан эмаклаб чиқади, сўнг унга бор! Жаннатга кир! –дейилади. У дарҳол жаннатга қараб йўл олиб, кириб, қараса жаннат аҳллари ўз ўринларини олиб бўлишган бўлади. Шунда у қайтиб келиб эй! роббим одамлар ўз ўринларини эгаллаб бўлишибди-ку! -дейди. Унга айтиладики: Ўтган даврингни эслайсанми? У ҳа! Албатта -дейди. Шунда унга тилагингни сўра! -дейилади. У тилагини айтади. Сенга тилагинг ва дунёнинг ўн баробарича неъмат бор дейилади. У эй! оламлар подшоси, сен мени мазах қилаяпсанми? -дейди. Ровий айтадиларки: Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кулиб, ҳатто озиқ тишлари зоҳир бўлганини ҳам кўрдим.

Изоҳ: Мулла Али қори айтадиларки: “У киши жаннатда одамлар ўринларини олиб бўлишибди –дейшиига сабаб уларни аллақачон жойлашиб бўлганларини кўриб, у учун ўрин қолмаган бўлса керак. –деб ўйлайди. Шунинг учун Оллоҳ таолодан фазли қарамини сўрагандек бўлади. Шунда Оллоҳ таоло ўтган замонинг эслай оласанми? –деб, Охират ҳаётини дунё ҳаётига ўхшатмаслигига шиора қиласди, чунки дунёда ўринлар тўлган жойда боишқалар учун киришига имкон қолмайди, аммо охиратда эса ундаи эмас. Шунинг учун унга ҳоҳлаганингча гўзал мақомлар, кенг-кенг бозу роғларни тилагин! –деб, марҳамат қиласди. Тилакларига эришигандан кейин ҳам, унга шу тилакларини ўн баробарини инъом этади. Шунда бу банда қалби гоят хурсандчиликка тўлиб, ўзини қўярга жой топа олмаган кишиидек, мени мазах қиласанми? эй! Раббим. -деб юборади”.

233 – حدثنا قتيبة بن سعيد أتبنا أبو الأحوص عن أبي إسحاق عن علي بن ربيعة قال شهدت عليا رضي الله عنه أتى بدبابة لير كبها فلما وضع رجله في الركاب قال بسم الله فلما استوى على ظهرها قال الحمد لله ثم قال سبحان الذي سخر لنا هذا وما كنا له مقرنين وإنما إلى ربنا لما نقلبون الزخرف ثم قال الحمد لله ثلاثا والله أكبر ثلاثا سبحانك إين ظلمت نفسى فاغفر لي فإنه لا يغفر الذنوب إلا أنت ثم ضحك فقلت له من أى شيء ضحكت يا أمير المؤمنين قال رأيت رسول الله صنع كما صنعت ثم ضحك فقلت من أى شيء ضحكت يا رسول الله قال إن ربك ليعجب من عبده إذا قال رب اغفر لي ذنبي يعلم انه لا يغفر الذنوب احد غيره

Али ибн Робиадан ривоят қилинади айтадиларки: Али розияллоҳу анхуни кўрдим, у зотга минишлари учун маркаб келтирилди. У зот оёқларини тизинга қўйган чоғларида бисмиллаҳ. -дедилар. Эгарга ўлтирганларида эса алҳамдуиллаҳ. -дедилар, сўнг “зухруф” сурасидаги маркабга минилганда ўқиладиган ушбу дуони ўқидилар.

سبحان الذي سخر لنا هذا وما كنا له مقرنين وإنما إلى ربنا لما نقلبون (الزخرف) 13

«Бизларга бу (кема ёки от-улов)ни бўйсундириб қўйган зот (яъни Оллоҳ барча айбу-нуқсондан) покдир. Бизлар ўзимиз бунга Қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз бизлар (барчамиз) «Парвардигоримизга Қайтгувчи дирмиз».

Кейин эса ўттиз уч мартадан ҳамд ва такбирлар айтиб, сўнг эй! Раббим сенга тасбихлар бўлсинки! мен ўзимга жабр қилгувчи бўлдим, ўзинг мени мағфират қилгил, гуноҳларни фақатгина ўзинг кечиругурсан!-деб, Али розияллоҳу анху кулиб қўйдилар. Мен нима учун куляйпсиз? Амирул мўъминин. –дедим. У зот айтдиларки: Пайғамбар алайҳиссалом ҳам шу ерга етганларида кулган эдилар, мен ҳам сенга ўхшаб сабабини сўраб ё! Росууллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам нима? учун кулдингиз! –деган эдим. У зот айтдиларки: Агар банда эй! раббим

гұнохларимни ағв этгил! Гұнохларни сендан бошқа биров мағфират қилмас.- деса Оллоҳ таоло бу бандадан шод бўлади.

Изоҳ: *Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ* бу ҳадиснинг шарҳида шундай марҳамат қиласидар: “Ҳамд айтиши манаңбундай маҳлуқни миниш неъмати учундир. Тасбех айтиши эса бундай улкан неъматга бизни мушарраф қилган зот Оллоҳ шериксиз ягона эканлигини эътироф этиши учундир. Чунки бу маркабларни Оллоҳ таоло бизларга ўзи бўйинсундириб қўймагандა эди, бизлар бу маҳлуқларни бўйинсундиришига ҳаргиз қодир бўлмас эдик”. Шуни ҳам айтиб ўтиши лозимки бизларнинг замонамизда транспорт воситалари анчагина ривожланиб, одамлар туя, от, эшакларда эмас, балки замонавий турли-туман машиналарни ҳайдаб, улкан самалётларда парвоз қиласаптилар. Агар Оллоҳ таоло бундай фан-техникани ихтиро қилиши учун бандаларига ақл-заковатни бермагандা эди, улар асло бундай маркабларга эришимаган бўлар эдилар. Аммо ҳадиснинг охиридаги кулишларининг сабаби келсак, албатта Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам дин равнақи учун хурсанд бўлиб кулар эдилар. Бу ўринда ҳам дўзахдан чиқиб жсаннатга киришига мушарраф бўлган банданинг ҳолига хурсанд бўлиб кулган эдилар. Чунки бандаларига меҳрибон бўлган зот Оллоҳ таолонинг ўзи ҳам шод бўлган эди.

234 - حدثنا محمد بن بشار أنيفا محمد بن عبد الله الأنصاري حدثنا عبد الله بن عون عن محمد بن محمد بن الأسود عن عامر بن سعد قال سعد لقد رأيت رسول الله ضحك يوم الخندق حتى بدت نواجذه قال قلت كيف كان ضحكته قال كان رجل معه ترس وكان سعد راميا وكان الرجل يقول كذا وكذا بالترس يغطي جبهته فترع له سعد بسهم فلما رفع رأسه رماه فلم يختطى هذه منه يعني جبهته و انقلب الرجل و شال برجله فضحك رسول الله حتى بدت نواجذه قال قلت من أي شيء ضحك قال من فعله بالرجل

Омир ибн Саъддан ривоят қилинади айтадиларки: Саъд розиллоҳу анҳу айтдиларки: Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламни хандақ жангиди кулиб ҳатто озиқ тишлари зоҳир бўлганини кўрдим. Ровий айтадиларки: Шунда мен қандай? бўлган эди кулишлари. -дедим. У зот айтдиларки: Бир қалқонли киши, қалқони билан юзини тўсиб, фалон-фалон сўзларни гапиради. Саъд моҳир мерган эдилар. Бир ўқни таёrlаб турдилар. Бир вақт ҳалиги одам бошини қалқондан чиқарган эди, Саъд бир ўқ ўздилар, ўқ унинг пешонасига тегиб, орқачалаб йиқилиб тушди-да, икки оёғи ҳам кўтарилиб аврати очилиб қолди. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам чунонам кулдиларки, ҳатто озиқ тишларигача кўриниб кетди. Ровийлардан бири айтадиларки: Мен нима? учун кулдилар! -дедим. Омир ҳалиги одамга берилган таъзирдан-да!-дедилар.

Изоҳ: Албатта Пайгамбар алайҳиссалом саҳобалар билан учрашганда очиқ чеҳрада бўлиб, дунё подиоларининг жафокаш, бадфеъл-сифатларидан жуда йироқда эдилар. Шунинг учун ёру дўстларга табассум билан илтифот қиласидар. Хусусан дин нусрати учун қилинган ишларни шоҳиди бўлганиларида, ёки осийлик қилиб қўйган мусулмонларни қиласидар тавба-тазаррулари қабул қилинганини хабари етганда, ёки гайридинларнинг

исломга кирганикларини эшиитсалар, бениңоят хурсанд бўлиб кетардилар. Бу олийжсаноб хулқларини билган саҳобалар Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига шодлик киритишга жуда ошиқар эдилар. Бир қуни Абу Бакр розияллоҳу анҳу, араб қабилаларидан бири исломга кириб, мусилмон бўлганикларини Пайгамбар алайҳиссаломга ҳабарини бергани келишганда, у зот қабила бошидан бу хурсандчиликни Пайгамбар алайҳиссаломга етказиши учун ижозат сўраб оладилар. Ибн Қойм раҳимаҳуллоҳ “Зодул маъод” деб номланмиши китобларида хурсандчилик ҳабарини етказиши учун шошмоқлик мустаҳаб яъни аъло дараҷсадаги суннатидир, бунинг зидди бўлган хафагарчиликни етказишига шошини эса номаъқул шидир. –дейдилар. Дарсиз охирида Оллоҳ таолодан Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб, бир-бирларимизга табассум қиласиган ва ноўрин беҳуда нарсаларга эмас, балки ислом зафари учун қувонадиган ва биродарларимиз қалбларига оро киритадиган хуши ҳабарларни етказашшига ошиқадиган бўлишишимизни сўраб қоламиз!

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين.